

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

444 Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1742-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 355-сон «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 589-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қиладилар:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3189, 15, 132, 8, 206, 17-сон қарори (рўйхат рақами 1742, 2007 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 491-модда) билан тасдиқланган Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
43-мҳ-сон

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
9-сон

Миллий хавфсизлик хизмати раиси

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
60-сон

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
6-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
23-сон

Ўзбекистон Республикаси
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуника-
ция технологиялари давлат қўмитаси,
Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик
хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги,
Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил
26 июлдаги 43-мх, 9, 60, 6, 23-сон қарорига
ИЛОВА

**Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар
тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда
бошқаришнинг умумий қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидан «Қуролли кучлар Бирлашган шта-
би,» ва «, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқа
хизмати» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 2-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг
(кейинги ўринларда — Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбеки-
стон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация техноло-
гиялари давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат қўмитаси деб юри-
тилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4-банддаги, 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 16-банддаги «Агент-
лик» деган сўз «Давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 6 ва 9-бандлардаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат қўмитасининг»
деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 12-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Дав-
лат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 13-банддаги «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар тегишинча
«Давлат қўмитаси» ва «Давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаш-
тирилсин.